

Россия халқаро исломий конференцияга меzbонлик қилади



11:30 / 13.02.2019 1638

«Ислом раҳмат ва тинчлик хабарчиси» номли халқаро конференция Чеченистон Республикаси Муслмонлар идораси ташаббуси билан ташкил этилмоқда, деб хабар беради el-Ahram ахборот сайти.

Конференция март ойининг 28–30 санасида Россиянинг иккита шаҳри – Москва ва Грознийда бўлиб ўтади. Халқаро анжуман Россия Президенти Владимир Путиннинг ҳомийлигида ва Жаҳон муслмонлар лигаси, Россия Президенти ҳузуридаги Маданият, исломий билимлар ва таълимни ҳимоя қилиш жамғармаси, Москвадаги Россия шарқшунослик институти, Чеченистондаги «Аҳмад Ҳожи Қодиров» жамғармаси ҳамкорлигида ўтказилади.

Хабарда айтилишича, дунёдаги барча мамлакатларга таклифномалар юборилган бўлиб, конференцияда қатнашишни хоҳловчилар ўз юртларидаги диний бошқармаларга мурожаат этишлари мумкин.

Анжуманда “Исломда бирдамлик тамойиллари”, “Муслмонлар ва тинчлик жамияти” “Терроризм ва экстремизим”, “Ислом ва цивилизациянинг ўзаро таъсири” ва бошқа муҳим мавзуларда маърузалар қилинади.

Islom.uz портали таҳририяти